

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

МАЪРИФАТ БЕШИГИ, ИЖОД КЎЗГУСИ

Баъзан, ёзадиган мақолангга сарлавҳа тополмай қийналасан, баъзан эса акси... Айни дамда ўз-ўзидан куюлиб келаётган сарлавҳалар бир оз шошириб қўйди – "Отахон нашриёт", "Маънавият маскани", "Маърифат бешиги", "Давр кўзгуси", "Маҳорат мактаби", "Маърифат зиёси", "Маданият ўчоғи"...

Бугун ўша табаррук масканининг мўътабар кексалари, заҳматкаш ходимлари, дўсту биродарлари бахорий айём – Наврўзи олам муносабати, Кексаларни эъзозлаш йили шарофати билан файзли дастурхон атрофига йиғилдилар. Улар ўз навбатида таширфлари билан отахон нашриётга бўлган ҳурмат-эътибори, меҳр-муҳаббатини, эъзозу эҳтиромини олиб келгандек, гўё...

Фурсатдан фойдаланиб, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг нашриёт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ашурали Жўраевни суҳбатга чорладик.

– Нашриётимиз республикамизнинг илк миллий маданият ўчоқларидан бири, – дейди у. – Ижод уйида мамлакатимиз тарихи, илм-фани, маданий мероси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид сиёсий, илмий-оммабон ва ҳуқуқий

(Давоми 2-бетда).



Анжуман

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлиминининг "Тошкент вилоятида фуқа-

ролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзусидаги йиллик анжумани бўлиб ўтди.

ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ



Бўлимининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, шунингдек, фуқаролик жамияти ривожланиш жараёнлари ва иштирокчилари юзасидан фикр алмашиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Касабачи уюшмалари Федерацияси ҳудудий Кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят

ҳудудий бошқармаси, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлиминининг ўтган йилда амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи, шунингдек, бўлимга билан ҳамкорликда ишловчи бир қатор ташкилот вакиллари "Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш борасида вилоят хотин-қизлар кўмитаси амалга ошираётган ишлар", "Ҳудудий оммавий ахборот воситалари фаолияти, хусусан, давлат ҳокимия-

рининг ҳудуддаги долзарб масалаларни ҳал этишдаги фаолияти" ва "Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги ролини кучайтириш" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Анжуман сўнггида, иштирокчилар институтининг келгусидаги фаолияти юзасидан фикр ва мулоҳаза билдиришди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
Қобилжон ГОҒУРОВ
(сурат),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

Тадбир

ЁШИ УЛУҒЛАРГА АЛОҲИДА ИМТИЁЗ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон экспорт-импорт миллий сугурта компанияси" фаолияти ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

21 йил бурун асос солинган "Ўзбекинвест" бугун 14 ҳудудий филиали, 125 бўлиминининг, шунингдек, мингга яқин сугурта агентлари орқали миқдорларга юздан зиёд турда

хизмат кўрсатмоқда.

Тадбирда компанияда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга ҳам батафсил тўхталинди.

Хусусан, дастур доирасида тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бахтсиз ҳолисалардан сугурта қилиш ва тиббий сугурта бўйича шартномалар тузилаётганда кексалар учун алоҳида чегирмалар тақдим этилаётгани таъкидланди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Бандлик

ИЖТИМОЙ МУҲОFAZАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз илчил амалга ошираётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, "Аҳолини иш билан таъминлаш

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосан бандлиқни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ушбу Қонун Қўрай тўғрисида қандай ижро этилаётгани ҳақида "Тошкент ҳақиқати" мухбири бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Ж. Эрматовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

– 2015 йилнинг ўтган уч ойи давомида марказимизга 586 фуқаро турли масалалар юзасидан мурожаат этди, – деди Ж. Эрматов. – Шу мuddатда 348 киши иш изловчи сифатида рўйхатга олинди, улардан 293 нафари ишга жойлаштирилди. Бандлиги таъминланганларнинг аксарияти аёллар ва 18-30 ёшдагилардир.

Ишсизлик мақомини бериш комиссияси иш жойи яшаш жойидан анча узоқ-

лиги, мутахассислиги тўғрисида қандай ижро этилаётгани ҳақида "Тошкент ҳақиқати" мухбири бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Ж. Эрматовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг 2015 йилга мўлжалланган дастурига мувофиқ марказимиз йилнинг ўтган уч ойи давомида ташкил этган меҳнат ярмаркасида 70 та корхона ва ташкилот 1124 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шунингдек, ишга жойлашмоқчи бўлган 250 дан зиёд фуқаро иштирок этди. Шулардан 28 нафари шу кунгича ишга бўлди ва

33 кишига белгиланган тартибда ишга жойлашган учун йўлланма берилди.

– Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи бўш иш ўринлари яратиш чора-тадбирлари билан йил-ўн икки ой илчил шуғулланишни талаб этади...

– Тўғри, янги иш ўринлари очиб бандлик муаммосини ҳал этишнинг асосий шартларидан бири. Шунингдек, 2015 йилда янги иш ўринлари яратиш юзасидан дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Чунинчи, ушбу дастурда йилнинг биринчи чорагида 561 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 605 та, яъни 107,8 фоиз қилиб бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ҚЎЛ СИЛТАДИ ХИСОБ»

Газетанинг шу йил 1 апрель сонидида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада обуначи Мавжуда Убайдуллаева Оққўрғон почта алоқа тармоғи ишидан қониқмаётгани, яъни газетани вақтида ололмаётгани баён этилганди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти Тошкент филиали директори вазифасини вақтинча бажарувчи А. Иброҳимов имзоси билан жавоб мактуби олди. Унда таъкидланишича, мақолада кўрсатилган камчиликни аниқлаш мақсадида Оққўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи Ф. Жўраев фуқаро М. Убайдуллаева билан учрашган. Суҳбат давомида М. Убайдуллаева ҳозирда почта раҳбариятига эътирозий йўқлигини билдирган ва тилхат ёзиб берган. Унда, жумладан: "...аризамдан сўнг вазият яхши томонга ўзгарди. Мен почта раҳбари ва ходимларидан миннатдорман. Газеталаримни ўз вақтида олиб турилган", дейилган.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»МИ? ЁКИ...

Газетамизнинг 1 апрель сонидида эълон қилинган мақолада чирчиқлик Бахтиёр Мараимов "Матбуот тарқатувчи" вилоят шўъба корхонаси Чирчиқ шаҳар филиали фаолиятиндан норози эканини билдирган эди.

Тахририят вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси директори А. Мусурмонов имзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилган: "Тошкент ҳақиқати" газетасида босилган танқидий мақола шўъба корхона умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Барча шаҳар, туман филиаллари нашрлар чакана савдо ва обуна уюштирувчиларга келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чоралари қўрилиши уқтирилди. Чирчиқ шаҳар нашрлар чакана савдо ва обуна уюштирувчиси Б. Остонқуловга хайфсан эълон қилинди.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ТУМАН ЮЗИДАГИ ҚУСНЪУЗАР

Паркент ҳақида гап очилганда, кўпчилиكنинг қалбида ажиб бир илиқлик пайдо бўлиши шубҳасиз. Чунки, вилоятимиз шарқида жойлашган туманининг пуриқор тоғлари, тил ёрар узумио сўлим табияти бу ерга келувчиларни тақдор ва тақдор хайратга солаверади. Шундан бўлса керак, қишнинг қаҳратони ёхуд ёзнинг жазирмаси, бу жойлар ҳамиша сайёҳ ва дам олувчилар билан гавжум.

Ҳар гал хизмат сафари билан бу гўзал масканда бўлганимизда нафақат бетақдор табияти, балки шаҳар қишлоқларининг қиёфаси, аҳолининг турмуш шариоити яхшиланиб бораётганидан, айниқса, самимий ва меҳнаткаш деҳқонининг одам беғи

турмас қияликларда боғ-роғлар яратганидан бир олам таассурот билан қайтаман. Аммо, ҳар сафар бир ҳолат таассуротлариники, соя солиб, дилимизни хира қилади.

(Давоми 2-бетда).

Жасорат, бурч, матонат

Пойтахтимиздаги Хотира майдони шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Табаррук масканга пойтахтимиз ва турли вилоятлардан келувчиларнинг қадами узилмайди. Бу табаррук масканга қадам қўйган ҳар бир инсон, аввало, нақшкор айвонлар ичида жило таратиб турган Хотира китобларини арақлаб, бугунги тинч, фаровон кунларимиз учун жонини фидо этган боболаримиз номини ёдга олади.

ҲАР БИРИНИНГ ИСМИ БОР...

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1999 йилда барпо этилган ушбу зиёратгоҳ мамлакатимизда инсон, унинг кадр-қиммати бебаҳо қадрият сифатида эъзозланишини яна бир бор таъкидлади. Хотира майдонида Мотамсаро она ҳайкали қад ростлаган. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг исм-фамилияси, туғилган йили, жойи битилган "Хотира китоби" ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 мартдаги фармонида мувофиқ архив ҳужжатлари, уруш йилларида эълон қилинган материаллар, хат ва бошқа манбалар асосида яратилган, Ўзбекистоннинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан

боби, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, ганчкор уста Абдурахим Умаров. – Зеро, айвон миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, ҳовлилардаги бундай кенг, шинам, соя-салқин айвонларга бутун оила ахли жамулам бўлиб, бир дастурхон атрофига тўпланиши гўёки катта шодибнани эслатади. Хотира майдонидаги айвонларни барпо этишда халқимизнинг шундай қадриятларини намоён этишга асосий эътибор қаратилган.

Хотира майдони йил бўйи ўзгача тароват таратади.

– Бир вақтлар бу ерда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига "Номалум аскар" ёдгорлиги ўрнатилган эди, – дейди тарихшунос олим, "Нуроний" жамғармаси фаоли Муборак Юнусхўжаева. – "Номалум" – умидсизлик дегани. Бу урушдаги йўқотишлардан қалби яра бўлган халқимизнинг дардига дард қўшарди. Қолаверса, "Номалум аскар" деган тушунчанинг ўзи ғалати. Ахир ҳар бир инсоннинг исми, фамилияси бор-ку... Минг шукрки, адолат қарор топди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан урушда қурбон бўлган ҳар бир юрдошимизнинг номи абадийлаштирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Хотира китоби" ни яратишда ўқувчиларга барча қулайликларни яратишга асосий эътибор қаратилган. Китобда вилоят ва туманлар тартиб билан, алифбо тарзида берилган. Олтин рангда товланувчи ҳар бир китоб ва унинг саҳифасига исм-фамилиялар кўзга қўринарли тарзда зарҳал харфлар билан ўйиб ёзилган. Бу жараёнда автоматик усулдаги замонавий технологиялардан фойдаланилгани унинг сифатини таъминлаш, манбаларни келгуси авлодларга асл ҳолича етказишга хизмат қилмоқда.

– "Хотира китоби" миллий андозалар асосида барпо этилган айвонда жойлаштирилганда ўзига хос рамзий маъно бор, – дейди Ўзбекистон санъат ар-

хитези.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги фармойишига қўра жорий йилда Хотира ва қадрлаш куни "Жасорат, бурч, матонат" шiori остида нишонланмоқда. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юрдошларимизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди, уларнинг Батанимиз ва халқимиз олдидаги бурчини муқаддас билгани бугунги авлод учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.



2015 йил – Кексаларни эъозлаш йили

МАЪРИФАТ БЕШИГИ, ИЖОД КЎЗГУСИ

адабиётларни изчил чоп этиш кенг йўлга қўйилган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Беруний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Улугбек, Навоий, Бобурларнинг бебаҳо меросидан халқимизни баҳраманд этувчи китоблар чоп этилди. Махшур маърифатпарварлар, фан, адабиёт ва санъат намояндлари – Муқимий, Фуркат, Завқий, Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Фафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Одил Ёкубов, Пиримул Қодиоров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарлари, ўқув адабиётлари, дарсликлар нашр этилди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган, наشريёт-матбаа ижодий ўйи жамоаси учун бекиёс имкониятлар вужудга келди. Салкам 24 йилдан буён наشريётда мустақиллик билан боғлиқ муҳим ҳужжатлар, мамлакатимиз ҳаётига оид энг долзарб мавзуларда, ижтимоий-иқтисодий, бадий, тарихий асарлар, мактаблар, олий ўқув юртлири учун янги дарсликлар чоп этилмоқда. Ўзбек, инглиз, рус тилларидаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси", "Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари", "Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳалари"

(Давоми. Боши 1-бетда).

миз даргаларига пешвоз чиқиш асносида суҳбатимиз кейинги сафар давом эттиришни ният қилиб қўйдик. Лекин, наشريёт бош муҳаррири Азимжон Бобониевдан ҳам нима-



келажаги буюк давлат", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаган", "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик", "Ўзбекистон ХХ аср бўсағасида" каби қатор асарлари муҳим воқеа бўлди...

Ҳақиқатан ҳам отахон наشريёт фаолияти ҳақида кўп ва ҳўп сўзлаш мумкин. Лекин, байрамга таширф бўраётган азиз меҳмонлар, нуруний кексалар, маънавиятимиз, адабиёти-

ларнидир сўраб олишга улгурдик.

– Ҳозирги кунда наشريётимизда 700 дан ортиқ малакали мутахассис ва ишчилар фаолият кўрсатишмоқда, – дейди у. – Бир йилда 45-50 миллиард сўмлик маҳсулот чоп этилишида аввало уларнинг меҳнати, қолаверса, яратилган замонвий қўлай шарт-шароитлар сабаб. "Ситилайне-30" маркали энг замонвий босма ма-

кат, тақримлар, дафтарлар сифати кафолатланган.

Сўнгги йилларда чоп этилган китоблар орасида "Эътироф", "Ўзбекистон – юксалиш йўлида", "Ўзбекистон: ислом обидалари", "Америкага таширф", "XXI аср: истиқболимиз тиссолари", "Мустақил юрт галласи" каби тўпламлар, рангли альбомлар, ўзбек халқининг маданий-маърифий, илмий меросини тарғиб қилувчи, ажодларимиз,

ўтмиш мутафаккирлари ҳақидаги нашрлар, оқсоқол ёзувчи ва шоирларимизнинг бадий ҳамада публицистик асарлари бор...

Бош муҳаррирининг сўзларини тинглаб туриб, стол устидаги янги китобларга қўзимиз тушди. "Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели" (Сотимжон Холбоев), "Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари" (Қ. Ражабов, Б. Қандов, С. Ражабов), "Тарих фалсафаси – маънавият кўзгуси" (Абдулҳамид Муҳаммаджонов), "Ҳақон тарихи" янги давр" (Шухрат Эргашев), "Сўз санъати сўзлиги" (Ёкубжон Исхоков), шунингдек, ёш ижодкорлардан Холиёр Сафаровнинг "Қанотсиз қушлар", Муассар Тиловова-нинг "Қора гордаги ов" каби ҳўқоялар тўпламлари...

Демак, ижод аҳли учун маънавий рағбат берадиган, ижодий парвозларга қанот бағишлайдиган имкониятлар бисёр мамлакатимизда. Фақат бу имкониятлардан тўғри, унумли фойдалана билиш лозим. Бунинг учун кекса авлод вакиллари, оқсоқол ёзувчи ва шоирларимиз, олимларимиз асарларини ўқиб, ўрганиш, фразандаларимизга ҳам бу китобларни олиб бериш, ўқитиш зарур.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган суратлар.

Қонун ва ижро

Бош қомусимиз бўлмиш республика Конституциясида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳўқуқи кафолатланган. Шу боис вилоят прокуратураси органлари "Жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросининг аҳволини бошқарув, назорат-текширув органлари, уларнинг қўйи тизимлари, маҳаллий ҳўқимликлар, ўзини ўзи бошқариш ҳамда бошқа идораларда мунтазам текшириб бормоқда.

МУРОЖААТЛАР
ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

Текширишлар шўни кўрсатдики, мурожаатларни кўриб чиқишга кўп ҳўларда масъулиятсизлик, ўзбўларчилик билан ёндошиш, умуман ёки белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш, ҳўсбларни чалкаштириш каби ижро интизоми бузилаёттир. Жўмладан, 500 дан ортиқ қонунбузилиши ҳўлатлари аниқланиб, шўндан 457 тасида бошқа органга юборилган ёки кўриб чиқилгани ҳақида ёзма ҳабар берилмагани, 4 таси умуман кўриб чиқилмагани, 9 таси муддатда кўрилмагани, 43 та мурожаатни кўриб чиқишда бошқа турдаги қонунбузилишга йўл қўйилгани аниқланди.

Қонунни бузган мансабдор ва бошқа масъул шахсларга интизомий, маъмурий ва жиноий жазо қўлла-нилмоқда. Чўнончи, вилоят прокуратураси ички ишлар бошқармаси ҳўқўбўзарликларининг олдини олиш, йўл ҳарақати ҳафсизлиги бошқармалари, хорижаги чиқиш-келиш ва фўқароликни расмийлаштириш бўлимида қонун ижросини ўрганганида, бошқарма ва бўлим мансабдор шахслари мурожаатларини кўриб чиқишда қонунни бузганлари маълум бўлди.

Хўсусан, хорижаги чи-

қиш-келиш ва фўқароликни расмийлаштириш бўлимида 11 та, ҳўқўбўзарликларининг олдини олиш ва йўл ҳарақати ҳафсизлиги бошқармаларида 4 мартадан қонун талаблари бузилгани аниқланиб, сабаблари ва бўнга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят ИИБ бошлиғи номига тақдимнома киритилди ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Чирчиқ шаҳридаги 15 та маҳалла фўқаролар йиғинларида ўтказилган текшириш давомида ҳам қонунбузилишлар аниқланиб, йиғин раисларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари ўтган йилда мазкур ноконуний ҳўжжатларга 3 та протест келтирди. 347 шахс интизомий, 126 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши юзасидан битта жиноий иш қўзғатилди.

Шў билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни ўз вақтида қонуний кўриб чиқишни янада ях-

шилаш мақсадида шў йил март ойидан ҳўқимликлар, ҳўқўқни муҳўфаза қилувчи, назорат-текширув, бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари, коммунал хизмат ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ҳафтанинг жўма кўни туман-шаҳар ҳўқимликларини биносини, маҳалла ёки аҳолининг бошқа яшаш жойларида қўшма қабул кўнлари ташкил этилди. Ушбў тадбирларда вилоят раҳбарларининг ҳам белгиланган режа асосидаги иштироки таъминланиб, мурожаатларни қабул қилиш ташкиллаштирилган.

Хўсусан, тадбирларда жисмоний ва юридик шахс вакилларидан турли мазмўнда 231 та мурожаат тушган, шўлардан 77 таси қааноатлантирилди, 122 тасига тушунтириш берилди, 32 таси юзасидан чора кўрилмоқда.

Хўлоса қилиб айтганда, фўқаро ва юридик шахслар мурожаатларини ижобий ҳал этиш натижасида уларнинг давлат органларига ишончи янада ортади. Бу эса, биринчи навбатда жамият ва давлат тараққиёти, шўнингдек, келажагимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Ақбар ТўРСЎНОВ,
вилоят прокурори
ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

Шахсий фикр

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ –
УСТУВОР ВАЗИФА47 НАФАРИ
ИШЛА БЎЛДИ

Ангрэн шаҳри ҳўқимлиги, прокуратура ҳамда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳўфаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 51 та корхона, ташкилот ва муассаса 800 дан ортиқ иш ўрни билан қатнашди.

670 дан зиёд иштирокчи шаҳарда яқин келажақда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳамда яратилажак янги иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлди. 47 кишига мутахассислиги бўйича ишга жўйлашиш учун йўлланма берилди. Касб-ҳўнар коллежларининг 102 битирувчиси билан уч томонлама шартнома тузилди.

Тадбир давомида мутахассислар меҳнат қонунчилиги, имтиёз ва кафолатлар, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш каби масалалар юзасидан ҳўқўқни маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

Бандлик

ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗАНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ

Йирик объектлар ва саноат йўналишида январь-март ойлари учун режа белгиланмаган бўлсада, 59 та иш ўрни очилди. Яққа тартибдаги тадбиркорлик йўналишида режадаги 48 та ўрнига 139 та иш ўрни яратилди. Тўхтаб қолган корхоналарда фаолиятни қайта тиклаш ҳўсбига 5 та янги иш ўрни белгиланган бўлиб, амалда 18 та ташкил этилди.

Оилавий тадбиркорлик йўналишида 56 та иш ўрни яратилиб, уч ойлик режа 175 фоиз бажарилди. Шўнингдек, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари йўналиши режага киритилмаган бўлсада, 28 та иш ўрни очилди.

– Ишлаш учун чет элга кетиб, қайтиб келганлар, Куролли Қўчлардан захирага бўшатиш ва жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларни ишга жўйлаштириш учун қандай чоралар кўрилаяпти?

– Туманимиздан 2636 фўқаро Россия, Қўзғистон, АҚШ, Кўрея ва Европа мамлакатларига ишлаш учун кетиб, 1168 нафари қайтиб келган. Биз хориждан қайтган фўқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида туман ички ишлар ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлимлари ҳамкорлигида учрашувлар ўтказаямиз. Туман профилактика нозирлари ва маҳалла фўқаролар йиғинлари билан бирга хориждан қайтган 826 фўқаро иштирокида мониторинг ўтказилиб, улардан 539 нафарининг бандлиги таъминланди.

Қуролли Қўчлар сафидан захирага бўшатиш 102 аскарнинг ҳар бири билан марказимизда алоҳида суҳбат ўтказилиб, уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Шўнингдек, жазони ўташ жойларидан озод қилинган 71 фўқародан 53 нафарининг бандлиги таъминланди, 13 нафари марказимиз йўлланмаси билан квота бўйича ишга жўйлаштирилди. Дарвоқе, ижтимоий муҳўфазага муҳўтож, яъни иш излашга қийналувчи ва меҳнат бозорида тенг рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслардан 131 нафари туман ҳўқими қарорига мувофиқ 52 та корхона ва ташкилотта квота бўйича ишга жўйлаштирилди. Уларнинг 16 нафари кўп болали ва ёлғиз ота-оналар, 55 нафари ёшлар, қамқоқ жазосини ўтаб чиққанлар 37 киши, қолганлари ҳарбий хизматдан қайтганлар, ногиронлар ва ижтимоий аҳамиятли касалликларга қалинган беморлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди.

Бу ҳақда вилоят ҳўқимлик соатларида гапирилган эди

ТУМАН ЮЗИДАГИ ҲЎСНБЎЗАР



Гап шўндаки, харид учун туман деҳқон бозорига бўрилсангиз, ичка-



ри кирмасингизданок атрофдаги бетартиблик, турли алкоголь ичимликларининг бўш ишчилари

билан тўлиб-тошган бетон ариқнинг нохўш манзариси ҳафсалангизни пир қилади. Биз ҳам

нон сотиш учун алоҳида раста ажратилган бўлсада, негадир савдо шўвқин-сурон ила бозорга қираверишда – ташқарида қизгин кечмоқда. Биз нон сотиш учун мослаштирилган растани қидириб ичкариладиқ. Афсуски, янглишибмиз. Бу жўй аллақачон нон راستасидан нон омборига айлантирилибди. Айлангандаки, санитария ҳўлатига эид, яна ўша бетартиблигу турли чикиндилар... Ахир, нон азиз, қолаверса, тириклик неъматини саналади...

Кўкламнинг сеҳрли қудратидан табиат, айниқса Паркент тоғларию кир-адирлари кўкдан қўйлак қийиб, ўзгача қийфа касб этган. Ўйноқлаб оқайтган ирмоқлар бўйида, улкан ҳарсангтошлар остида қўчмомаю лолалар бўй чўзмоқда. Шўндай фўсункор, тароватли Фўскентга унинг бозоридаги ҳўлат юзга чиққан ҳўснбўзар каби ярашмай турибди. Фикримизча, бу ҳақда туман мутасаддилари, айниқса, бозор маъмурияти ўйлаб қўришса, мақсадага мувофиқ бўлар эди.

Даврон АХМЕДОВ,
Авазбек ҲУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбирлари.

